



Кичик Жузда рус ҳокимиятининг сабоқлари



Козокларнинг жунгорлардан енгилиб кочиш фожиаси бошка бир фожианинг вужудга келишига сабаб бўлди. Кичик Жуз козоклари рус истилосининг илк қурбони бўлди. Рус рахбарияти козокларга таъсирини кучайтириш ва уларнинг орасига кириб олиш учун бошқирдларни қўллаб-қувватлашни лозим кўрдилар. Кичик Жуз хони Абулхайрга Урал дарёси ўнг қирғоғидаги бошқирд қабила бошлиғи Алдарбой воситасида «козоклар бошқирдлар билан иттифок яшамок истасалар, Русиянинг химоясига ўтишини талаб қилишлари керак», деган хабарни етказдилар. 1730 йил 8 сентябрда Абулхайрхон малика Анна Иоанновнага қуйидаги мазмунда хат битди: «Уралнинг нариги томонидаги бошқирдлар билан яқин муносабатимиз йўқ. Рус вассали бўлган Алдарбой биздан бошқирдлар билан тинч-тотув яшашимиз учун жаноби олийларимизга бир элчи юбориб, химоянгизни сўрашимизни талаб қилди» (Материалм, 9-6.). Абулхайрхоннинг элчилари Сейткул, Кундакул ва Кутлумбет Қўштойлар 1730 йилнинг октабрида Московга келдилар. Ташки ишлар вазирлигида Абулхайрхоннинг юкоридаги илтимосини қўришди ва 30 сентябрь 1730 йилда козок (40000 юрт) нинг зодагонлари тобе бўлиш ҳақидаги истакларини билдирди. Фукароликни қабул қилишни истаганлар дарҳол фукароликка қабул қил индилар. Сўнгра ташки ишлар нозирлиги малика Аннага Абдулхайрнинг устунлигини эътироф қилган икки хоннинг (Барокхон ва Абдулмамбетхон) мавжудлигини ҳамда Тошкент (хукмдори - Абдулхайрхоннинг биродари Жолбарс], Туркистон (хукмдори Семекехон) ва Сайрам (хукмдори Кучумхон) нинг козокларга қарамлигини билдирди. Ташки ишлар нозирлиги эса юкоридагилар ҳам уларга тобе бўлишини истарди. Юкорида номи зикр этилган шаҳарлар ва даштқи руслар Абулхайрхон ёрдамида осонликча мустамлакага айлантirmок фикрига келдилар. Бу ширин ҳаёлни амалга оширмок учун Ру-сияга 100 йилдан ортиқ вақт керак бўлди.

Рус ҳукумати Абулхайрхонни ўз химоясига олишга қарор қилди. Малика Анна Ивановна 19 февраль 1731 йили бир қарор билан Абулхайрхонни ва унинг кузатувчиларини «рус фукароси» деб эълон қилди. Бу буйруқда хоннинг Русияга садокат билан хизмат қилиши солиқ тўлаши ва Русиянинг бошқа фукароларига зарар етказмаслиги акс этган эди. Подшо хоним эса козокларга ташқаридан содир бўладиган ҳар қандай ҳужумга қарши химоя воситаларини қўллаш ваъдасини берди. Алоҳида ҳужжатда бошқирдлар босиб олган козок ерларини ўз эгаларига қайтариш, хоннинг қалмоқлар ва бошқирдлар билан тинч яшаши ҳақида ваъдасини олиш топшириқлари берилди (Казахско-русские отношения в XVI - XVIII веках, Алма-Ата, 1961, 40-6.).

1731 йил 19 февралда подшо хоним асилзода бир бошқирд, яъни исмини ўзгартирмасдан аввал Мирзо Кутли Таваккал ўғли деб аталган, сўнг насронийликни қабул қилгач, Александр Иванович Тевкелов (Тевкелев) ташқи ишлар нозирлигининг шарқ тиллари (турк ва форс) бўйича таржимони эди. 1716 йилда Хиндистонга жўнатилди. Йўлда эронликлар уни таъқиб қилди ва 1717 йили озод қилдилар. I Петрнинг 1732 йилги Эрон ва Озарбайжон юришида рус қўлсоларининг таржимони сифатида қатнашди. Тевкелевнинг Русияга қўрсатган энг катта хизматларидан бири шуки, у Кичик Жуздан Абулхайр билан бирга Русиядан химоя илтимос қилувчи гуруҳ жиловини ўз қўлида тутиши эди. Бу хизматлари учун аввал полковник, сўнг генераллик унвонларига эришди. Тевкелев Кичик Жузда рус хокимиятининг ўрнатилишида йўл қўрсатувчи вазифасини бажарди. 1751 -1753 йилларда эса Оренбург волиси ёрдамчиси вазифасини ҳдм адо этган.) номли зотни Кичик Жузга элчи сифатида тайинлади. Тевкеловга садокат ҳақидаги қасамга Абулхайрхонга имзо чектириш вазифаси топширилганди. Козокларнинг тили ва дилини жуда яхши билган бу шахс 1731 йил 3 октябрда Иргиз дарёси бўйидаги Мани Тўбе воҳасидаги хоннинг саройига келди. Бу ерда ўзини насроний исми билан эмас, балки асл исми билан Мирза Кутли Муҳаммад деб таништирди. Тевкеловнинг шахсий химояси учун бошқирдлар (Тевкелевни муҳофаза қилувчи аскарлари қуйидагилар эди: Алдарбой, Исакаев, Тайман Шайимов, Қўсемиш Бек қожин, Ўроз Ўбўсинов, Кидиряз Малакаев, Шими Ботир Калезеков, Ўтчаев Расманкулов, Ақа Мулла. қ. Отношение., 52-6.) ва козоклардан қуролли қўриқчилар ажратилди. Тевкелов 6 октябрь 1731 йилдан 24 ноябрь 1732 йилгача Абулхайрхон ва унга тобе бўлган Кичик Жуз султонлари билан музоқаралар олиб борди. Хон қарорининг қучга қириши учун султонлар томонидан маъқулланиши шарт эди. Хон эса султонлар билан қелишмасдан, ўзича подшо хонимга мурожаат эта олиши музоқаралар натижаси орқали маълум бўлади. Тевкелов бу тарздаги ҳаракатларнинг сабабини сўраганда, Абулхайрхон рус химоясини қабул қилишда барча султонларнинг розилиги ҳақидаги гап нотўғри эканлигини, зеро, бундан сўнг ҳар қим ўзича мурожаат қилган тақдирда, подшо унинг илтимосини эътиборга олмаслигини назарда тутиб, шу ишга қўл урганлигини эътироф этди. 1732 йил 10 октябрда садокат ҳақидаги қасам қенгаши муносабати билан барча султонлар тўпланди. Бу қурултойда 27 киши қатнашиб, ақсарияти Русияга бир хайъат юборилиши ва русларга: «Биз сиз билан сулҳда яшашни истаймиз, аммо фуқаронгиз бўлишни истамаймиз», дейилишини химоя қилишди. Қурултойда фақат Абулхайрхон, Бўкенбой ботир ва Худойназарлар Русияга садокат қасамини қабул қилдилар, бошқа ҳозир бўлганлар эса бу қасамни қабул қилишни қатъий тарзда рад этдилар (М. Бизанов, Дневник М. Тевкелева, 84-6.). Тевкелов Русиянинг химоясини қабул қилишнинг афзалликларига козокларни ишонтиришга қиришди ва қатъий бир тарзда шуни илова қилди: «Рус императорлиги козоклардан қўрқмайди ва машҳур қиролларнинг сиздек

дашт карокчилари билан сулх тузиши имконсиздир. Агар козоклар Русиянинг фукароси бўлмаса, унга тобе бўлган калмоқлар, бошқирдлар ва Сибирнинг шахар халки билан Ёйик казаклари томонидан мағлуб этилиб, қиличдан ўтказиладилар»(Отношение, 55-56-6.). Абулхайрхоннинг бу ҳаракати анъанага ҳилоф эди(Левшин, Описание, 95-6.). Чунки анъанага кўра, хон бу ҳилдаги қарорларни фақат қурултойнинг кўллаши билан қабул қила оларди.

Русия Абулхайрхоннинг садокат ҳақидаги қасамига ишонмади. Хон ўғли Хўжа Аҳмадни гаров тариқасида Русияга жўнатишга мажбур эди. У ўз одамларидан кўрққанлигидан ҳам рус ҳокимиятига таяниш зарур деган фикрида қолди. Русия тузоғига илинтирилган хон ундан қутула олмасди. 1740 йилда Абулхайрхон собиқ жунгорларга (турки адабиётда калмоқ) бир мактуб ёзиб, Туркистон (Ясса) ва Тошкент шаҳрларини босиб олишга рухсат берилган тақдирда, жунгорлар ҳимоясини қабул қилишга ҳозирлигини билдирди. Бу ҳусусда у бирор муваффақиятга эришмади. Руслар хоннинг бу ишидан беҳабар эди. Кейинроқ жунгор ҳукмдори Галдан Церен ҳузуридаги рус элчиси Гладишев 1742 йилда хоннинг бу қилмишларини ўрганиб чиқди. Бундан сўнг рус ҳукумати унга ишонмади, лекин қарши чора ҳам кўрмади. Русиянинг Кичик Жуздаги олиб борган сиёсатидан асосий мақсади козок тупроқларини рус колониясига айлантириш эди. Бу борада Кичик Жуз устига юриш мақсад сари дастлабки қадам эди(А. Сабирханов. Российское подданство., ИАНК СО., 1965, No 6, 70-6.).

Ўз сиёсий қучиқа бино қўйган ва хонлигини Русиядан тасдиқлашиб олган Абулхайрхон кейин ўз ватандошлари томонидан масҳарабоз бир шахс сифатида талқин қилинди. Шу сабабдан У Туркистоннинг шимолида Русиянинг йўлбошловчи бир одамига айланиб қолди. Руслар ватандошларининг назарида «бир хон» бўлган хондан Туркистон даштида ўз маъқеи ва ҳокимиятини ёйиш учун бир «восита» сифатида фойдаландилар. Оренбургдаги рус идоралари хон билан доимий мулоқотда эдилар. Унинг Русияга бўлган боғлиқлиги юзақилигидан кўз юмар ва Кичик Жузнинг ички ишларига аралашмас эдилар. Султонлар тарафидан нафрат билан қутиб олинган Абулхайр обрўсини йўқотди ва рақиби Султон Барок томонидан ўлдирилди. Абулхайрнинг ўрнига Нурали тахтга ўтирди. Абулхайрдан сўнг ҳаммаси Русиянинг вассали сифатида иш кўрган олтихон(Бу хонлар қуйидагилар: Нурали (1749 - 1780); Нурали вақтидан кейин 4 йил давомида рус ҳукумати янги хон сайланишига изн бермади; Эрали (1784 - 1794), Ишим (1794 - 1798). Ойчувок (1798 -1805), Жонтўра (1805 - 1811), Шерғози (1812 - 1824), Қаранг: И. М. Қазанцев, Описание, 61-6.) Кичик Жузни бошқарди. Рус-лар тадрижий равишда хонларнинг ички ишларига аралаша бошладилар. Русиянинг уларга ишончи йўқ эди. Абулхайрхоннинг ўғли Хўжа Аҳмад 1732 йилдан ўлимига қадар гаров сифатида Русияда яшади. Нуралихон Оренбург волийсидан рухсат олмасдан, 1748 йилда жунгорлар билан муносабатларини яхшилаш учун ёзишма бошлаган вақтда, Оренбург волийси томонидан қаттиқ назорат остига олинди. Хоннинг атрофида русларнинг ишончли одамлари борлиги ва хон бундан беҳабарлиги аён бўлди. Хоннинг жунгорларга ёзган мактубининг нусхасини русларга хоннинг қотиби қозон татарларидан бўлган Эл Муҳаммад Нур Муҳаммад берганди. Унда калмоқларга (жунгорлар) асир олинган козокларни никоҳдан ўтгач, эркин қолдиришлари; Тошкент ва Улуғ Жуз ўлкаларидан ҳарбий қисмларни қайтариб олиб чиқиб қетиш тақлиф этилган эди. Вазиятдан боҳабар бўлган руслар бу ҳаракатларни мувофиқлаштирди. Шундай қилиндики, юқорида номи аталган Туркистон ерларининг ва асирларнинг жунгорлардан дипломатик йўл билан қайтаришнинг иложи қолмади(В. Я. Басин, Некоторые аспекты ИАНК - СО No 5, 57-6. В. Я. Басин, Некоторые аспекты ИАНК - СО

№ 5, 57-6.).

Нима бўлганда ҳам, Русия билан Кичик Жуз ўртасида ўзаро химоя (ёки иттифок) шартномаси ҳеч қачон мавжуд бўлмаган бўлса ҳам, сайланган ҳар бир хон Русияга садокат касамини ичишга мажбур эди. Кичик Жузнинг ички ва ташки сиёсатида русларнинг аралашувини оқлайдиган бирор бир шартнома ҳам йўқ эди. Шунга қарамай, рус хокимияти Кичик Жузнинг ташки сиёсати у ёқда турсин, ички ишларини ҳам ўзлари хоҳдаган йўналишда бўлишга ҳаракат қиларди. Хонлар эса ҳеч бўлмаган-да, ички ишларда мустақил бўлишга интиларди. Шу боисдан руслар 1837 - 1839 йилларда Татищев бошчилигида иккинчи Оренбург сафарини уюштиришди. Бу йўл билан улар козокларни мутлако бўйсундириш ниятида эди. Факат бу сафар ниятига эриша олмадилар.

Русларнинг кўрган барча тадбирларига қарамай: қалъалар қурилиши, хонларнинг Русияга садокати ҳақидаги қасамлари, Кичик Жуз халқи ўз билганидан қолмади ва Русияга қарши кўзгалди. Рус ҳукумати 1744 йили бутун қалмоқларни бир ерга тўплаб, қурол-аслаҳа билан таъминлаб, козокларга қарши юриш ҳақида фармон берди. Қалмоқларга эса талон қилинган ҳар бир нарса ўзларида қолиши ваъда қилинди(Макшеев, 105-6.).

Рус ҳукумати турки қабилаларни ва қалмоқларни бир-бирига қарши қўйишда муваффақиятларга эришдилар. Буни бошқирдларнинг мисолида очик-ойдин кўрамиз. Бошқирдлар 1755 йили Ботиршоҳ Али бошчилигида (рус адабиётларида Алиев) русларга қарши кўзғолон қўтардилар. Кўзғолонни бошқарган бу мужоҳид Шарқнинг бутун мусулмонларини русларга қарши қурашга чақирди. Рус ҳукумати жиддий бир таҳдидни хис этди. Бу кўзғолонни бостириш учун Русия ташки ишлар нозирлиги кенгаши козокларнинг раҳбарларига мурожаат қилди. Оренбург волиси Неплодов козок йўлбошчиларига 50000 бошқирднинг бош қўтарганини, яшашни иштаси, ўзларини химоя қилишлари кераклиги заруратини, ақс ҳолда ҳаракат идораси козоклардан бошқирдларга олиб берилажагини билдирди. Бу пўписа бир игво эди. Бошларида Нуралихон турган козоклар бу фитнанинг фарқида бора олмадилар ва аслида, озодлик учун интилган бошқирдларга қарши қурашдилар. Иккун бостирилди. 50000 бошқирд Кичик Жузга қарам ҳолда уларнинг ерига жойлашди. Бу қочоқларни таъқиб этиш учун рус ҳукумати 1765 йилда бошқирд Тевкелевни Кичик Жузга жўнатди(Крафт, Законь! о киргизах, 28-6; Макшеев, 106-6.). Ташки ишлар нозирлиги Тевкелевга Кичик Жузга бўйсундирилган бошқирдлар қайси ерларда қўчиб юришларини аниқлаш вазифасини топширди. 1755 йил 3 декабрда Тевкелев Нуралихон билан қўришди. Рус элчисига мурожаат қилиб қелган бошқирдларни Русияга қайтариб беришни талаб қилди. Тевкелев 1756 йилнинг бошларида Русияга қайтди, июнь ойида яна қелиб, хондан бошқирдлар қачон қайтарилишини суриштирди. 1756 йили 12 августда Нуралихон Султонлар йиғилиши ўтказиб, бошқирдларнинг Русияга қайтарилиши бўйича қарор қилди. Шундан сўнг 1757 йили 4502 бошқирд Оренбургдаги рус маҳкамасига таслим бўлди(А. Сабирханов, Из истории Казахско-русских, ИНАК СО, 1965, № 2, 30-бет. Ўрус ҳукумати бошқирдларнинг озод қилинишини тезлаштириш учун козокхукмдорларига ҳадя арак, шароб беришга руҳсат берди. Крафт - 29-6.). Бу билан Туркистон тарихида илк дафъа ёрдам сўраган инсонларга нисбатан ҳақсиз-лик қилинди. Бу ҳаракат на туркиларнинг ва на ислом дини тушунчасига мос қелмас эди. Зеро, мусофирсеварлик анъанасига кўра ёрдам сўраган ва илтижо қилган қимсаларни, уларни таъқиб этувчиларга бериш мумкин эмас эди. Табиийки, бу ҳодиса русларнинг босқини натижаси ўларок воқе бўлди, факат

Кичик Жуз Русияга ҳеч қачон бундай ваъда бермаган эди. Козоклар русларга қарши кўтарилгунга қадар уларнинг устига қалмоқлар юборилди. Қалмоқ хони Убоши козокларни жазолашга 1763 йилда ижозат берди. Тахминан етти йилдан кейин қалмоқларнинг ўзлари ҳам рус игвосининг қурбони бўлди. 1770 йили 30000 га яқин қалмоқ оиласи Волга атрофидан Жунгорияга қочишга мажбур бўлди. II Екатерина 1771 йил 27 январь фармонида кўра Нуралихон қалмоқларга қарши қурашиш ва уларнинг мулкига ўз мулки сифатида қараши учун изн берди. Ҳақиқатан, козоклар русларнинг ва хонларнинг истаги деб қочаётган қалмоқлар билан уруш олиб боришига тўғри келди (Макшеев. Отношения (139-6) да бу маълумотларни келтирмаган (бу китобдаги сананинг энг сўнггиси 1770 йилнинг 2 июлидир). Бу воқеаларни «Казахско-русские отношения в XVIII - XIX веках», «Сборник документов и материалов», Алма-ата, 1964 й., китоби ҳам ўз ичига олмаган, чунки бу асар 1771 йил июлидаги машҳур фармондан бошланади.).

Шаклан Русиянинг ҳимояси остида бўлган Кичик Жузда хон сайланиши масаласида ночор бир ҳолат юзага келди. Хоннинг қурултой томонидан сайланиши ва (мўғул одатлари бўйича) оқ ўтовда гилам устида юқори кўтариш 1800 йилга қадар сакланди. Фақат энди ҳар бир сайланган хон рус подшоши томонидан тасдиқланиши керак эди. Бу ҳилдаги тасдиқларга Кичик Жузда хоннинг ҳукмронлигини таниш деган фикр билан қаралса, бунга Русияда «садокат ва тобе бўлишнинг бир ишора-ти» маъноси бериларди. Русия козокларга ишонмай, Кичик Жузни мунтазам равишда ўз қўл остида саклашга интиларди. 1756 йил 2 сентябрда тарқатилган хабар асосида козоклар Уралнинг ўнг қирғоғига оёқ босиши ясоқ қилинди. Улар русларнинг мустаҳкам мавқеларидан 12-15 км узоқда бўлиши амр этилди. 1755 йил 6 май фармони билан Ўрта Жуз козокларининг ҳам Иртиш ҳарбий қизигига яқинлашиши ман қилинди. Хонлар ҳам ўтказилган ҳар қандай тадбири ҳақида Оренбург волийсига мунтазам ахборот бериб туришга мажбур эдилар. 1770 йилдан сўнг Абилайхондан бошқа ҳеч бир козок хонига таҳдидсиз бир ҳаракат насиб бўлмади (Валиханов. 1-ж., 430-6: Абулхайр тез-тез руслар таъсирида бўлган. У ўлдирилгач, Нуралихонда аслида салтанат қолмади. «Бу ҳолат чор маъмуриятининг асосий максadini рўёбга чиқаришдан олдин козок ҳукмдорларини заифлаштириш ва ўз сиёсатини бамайлихо-тир амалга ошириш учун замин тайёрларди» К. В. Я. Басин, 0 взаи-моотношениях царской администрации, ИНАК, СО, 1967, No 3.). 1771 йилда хон бўлиб сайланган Абилай тўққиз йил хонлигининг тасдиғини Русиядан истамади. Русиянинг козокларга нисбатан «дўстлик ва ҳукмронлиги» роли билан хонларнинг уларга нисбатан «боғлиқлик ва садокатлари» ёлгон жихатлари орқали намоён бўлади. Аслида, тарафлар орасида муштарак бир ишонч етишмас эди. Ҳатто, масалан, Кичик Жуз хони Нурали 1773 декабридаги тарихий мактубида кўзғолон раҳбари Пугачёвни Русиянинг подшоши деб тан олган эди. Аммо рус маҳкамалари хоннинг Пугачёв билан алоқалари давом этишига гўв бўлди. Туркистон даштларида - Русия сиёсатининг орқасида ҳақиқий қучга эга бўлган Ўрда бор эди. 1755 йили Оренбург ҳарбий волисининг ихтиёрида 36 714, Сибирь волисининг ихтиёрида 27552 аскар бор эди. Булар Туркистон билан қўшни ўлкаларга жойлаштирилди (В. Я. Басин, Политика России, ИНАК, СО, 1968, No 3.). Рус ҳукумати тадрижий равишда дашт аҳолисининг ички масалаларига қандай аралаштириш йўллари йўрганди. Ҳар қандай султонни хонга қарши гижгизлаб бунда ҳакамлик ролини бажариш Русия учун осон иш эди. Қерак бўлган-да, таъсирини йўқ қилиш учун козокларнинг машҳур шахсларининг обрўсини туширар эди. Шу мақсад йўлида аввал Кичик Жуздаги жазо ҳуқуқлари ўзгартирилди. 1799 йил 13 августдаги

тарихий бир хужжат билан котилларни рус конунлари бўйича жазолашга ҳуқуқ берилди. Котиллик рус конунларига асосан жазоланиши, Ўрдага суянган тадбирлардан кўра гайриинсоний эди(Масалан, Бектош Алдавагут жинояти туфайли айбдор ҳисобланди ва русларнинг конунига кўра жазоланди. Руслар ҳукмининг матни куйидагича эди:

Айбдорни аввал камчилаш, сўнг бирон еридан терисини шилиб, тамга босиш, кўл-оёқларини занжир билан боғлаб, темир кафасга камаб, Нершинска абадий камокка юбориш эди. Каранг: Материаль!, 44-45-6. Урф-одатга кўра эса котил мархумни қандай ўлдирган бўлса, шу усулда ўлдирилиши ёки ҳалок бўлган киши яқинлари розилиги билан хун тўлаш йўли билан озод қилинган.).

1780 йил 27 сентябрда Русия билан Кичик Жуз ўртасидаги чегара хавфсизлигини таъминлаш ҳақида фармон эълон қилинди. Бу фармонда фаолиятлари Русияга ҳам фойда келтирадиган қозон-татар мулаларини қозоқ дин пешволари ўрнига тайинлаш; хизмат вазифаларини бажаришда кўрсатган садокат ва гайратлари учун бу мулаларга қатта мукофотлар бериш бўйича қарор қабул қилинди(Материаль! по истории политического строя., I, 42-6. Бу қарор (декрет)нинг матни, Отношения..., га қирмаган.). II Екатерина 1784 йил 2 майда Оренбургда чегара маҳкамасини қуриш бўйича кўрсатма берди. Бу маҳкамага руслар томонидан 2 полковник (субай), 2 нафар божхона маъмури ва 2 нафар давлат маъмури, қозоқлар томонидан бир султон ва 6 нафар бек (бий) қиритилди. Бундан ташқари Оренбург генерал волийси қошида ахборот ишлари вазифаси юқлатилган 2-3 йил мухлатли бир қозоқ хайъати бўлиши, рус фуқаролигини сўраб олиш учун Улуг Жузда ташвиқот юргизиш; Хазар денгизи билан Орол кўли ва Иртиш дарёси орасида қелажаги тинч бир мустаҳкам чегара қизиги ҳосил қилиш мақсадида Эмба дарёсидан то Ор ва Тобол дарёларига қадар қалъалар қурилиши кўрсатмаси берилган эди(Материаль, 61-63-6.). Бу кўрсатманинг сўнгги бўлимидан очик-ойдин кўриниб турибдики, Ўрусия мавжуд истехкомларига етарлича эътибор бермасдан Туркистонга қарши Ўрус-Хитой деворини бирлаштиришга интиларди. Ўруслар Кичик Жуз ҳудудида бўлиб ташлаш сиёсатини йилларча қузатиб келди. Бу юзада 1774 йилда Оренбургда ташкил этилган Ўрус Чегара Кўмитаси фаолият олиб борарди. Олдиндан кўрилган ҳозирликлар оқибатида Кичик Жузнинг қатъий парчаланиши 1810 йилга тўғри келади. 1810 йил 25 майда Кичик Жуздаги ички ихтилофлардан қелиб қикиб, хонни қайта сайлаш учун Россия ички ишлар вазири фармон чиқарди. Ушбу масалада 10 минг кишилик Қозоқ вакиллар мажлиси Оренбургда йигилди. Хонлиққа сайланадиган икки киши кўрсатилди: Хазар денгизи хавзаси (Астрахан) қозоқлари - Султон Бўқай Нуралини; Сирдарё хавзаси қозоқлари Шерғозини хон қўтармок истадилар. Қелишувга эришилмади.

Мажлисни ҳар икки томон ўз хонлари билан бирга тарқ этишди. Бу рус ҳукуматининг орзуси эди. Эҳтимолий тўқнашув олдини олиш учун руслар Кичик Жузга бир туман аскар йўллади. Оренбург валиси Волковский бу ихтилоф ҳақида: "Бу ихтилофлар Ўрусия учун фойдалилигини, қозоқларни эса заифлаштиришини" мамнуният билан билдирди. Русия давлат шўроси 1821 йил 28 майда Кичик Жузнинг ҳар икки хонини танишга қарор қилди. Оренбург волийси Волковский икки гуруҳ орасидаги ихтилофни теранлаштирамоқ учун 1812 йил 2 августда Кичик Жузнинг ягона хони сифатида Шерғозини тайин этди. Кичик Жуз парчаланишининг дастлабки белгилари, асосан, Нуралихоннинг ўғилларидан бири бўлмиш Султон Буқайнинг 1800 йилда Норин даштларига қўчиш учун Астрахан ҳарбий губернатори Кноррингнинг руҳсатини талаб қилишидан бошланди. 1801 йил 11 майда I Павел Буқайга қабиласи билан бирга Волга ва Урал орасидаги ерларга

(окимининг тескари ерларида, ўнг киргогида) кўчиб ўтишига рухсат берди. Букай 1803 йилда 5000 юрт (оила, чодир) билан бу ерга келди. Уларнинг оркасидан яна 1265 юрт шу ерга кўчиб келди. 1808 йил 19 май буйруги билан Русия Бўкай ўрдаси чегараларини Ўзен дарёсидан Бўгди тоғларигача, ундан то Хазар денгизига кадар килиб белгилади. 1812 йилда эса Русия Букайни козокларнинг хони деб эъ-тироф килди. Бу буйрук билан руслар Букай ўрда ёки Ич ўрда номли бир автоном давлат ташкил этди. Букай хоннинг ўлиmidан сунг Бўкай ўрдасининг хони 14 яшар ўгли Жахонгир бўлди. Аммо аслида рахбарликни Букай хоннинг биродари шигай олди. Жахонгир 1825 йилдан 1845 йилга кадар давлатни ўзи идора этди. 1827 йили султон Каипғали бошчилигидаги козокларнинг бир гурухи яна Кичик Жузга кайтишга қарор берди. Бу ташаббусни амалга оширишга рус ҳукумати ризолик бермади. 1829 йили Букай ўрдаси козоклари русларнинг изини олмасдан яна Уралнинг нариги киргогига кетишни бошладилар. Бунинг учун султон Каипғали хибсга олинди. У 1830 йили Оренбург камоқхонасидан қочишга муваффақ бўлди. Козоклар энди, хакикатан ҳам, «буюк бир рус кафасида» эканлигининг фаркига бордилар. Шу сабабли 1836 - 1838 йилларда Исатай Тайман рахбарлигидаги Букай ўрдаси кўзғолоннинг ўчогига айланди. Жахонгирга, айна замонда русларга қарши бўлган бу кўзғолон рус ҳукумат доираларини қаросимага солиб қўйди. Ҳукумат берган баҳосига қўра, бу кўзғолон Русиянинг хавфсизлигига таҳдид соларди. Шу боис рус ҳукумати юқори доиралардан Бўкай ўрдасини тугатишга рухсат олди.

1845 йили Жахонгирхон ўлгач, Русия янги хон сайланишига изн бермади. Ич ўрдани бошқариш учун айрим козоклар ҳам иштирок этган рус полковник (субай) лари бошчилигида бир шўро ташкил этилди (Бўкай ўрдаси хақида тўлиқ маълумот учун қаранг: Вяткин, Очерки..., 214-235-6. История Казакской ССР, I., Алма-Ата, 1957, 322-331-6. Сулейманов Б., Аграрный вопрос., 131-6; Togan, Bugimkii, 631-6., Indeks; Отношение, 175-177 6.; Hans Findeisen, Zur Yeschichte der Kasachisch-russischen Beziehungen, dipnot, 189-6.). Бу ҳолат 1917 йилгача ўзгармади. Ўз ҳукуматларининг кўрсатмаларини ижро этиш билан машғул бўлган Оренбург ва Омскдаги рус идоралари хонларнинг хокимиятини чегаралаш ва йўқ қилиш учун бир чора топиш ҳаракатида эди. Рус вассийлигидаги Ўрта Жузнинг умри қиска бўлди. Гарбий Сибирь генерал волийси 1819 йил августда ўлган Валихоннинг ўрнига янги бир хон сайланмаслигини ва «хон» унвони бекор қилинишини айтди.

1822 йил 22 июнда 319 моддадан иборат «Сибирь киргизлари (козоклари) статуси» маълум қилинган, рус ҳукумати Ўрта Жузни бекор қилди. Хон ва султонлар томонидан юритилган идора усули ҳам йўқ қилинди. Идора низоми қабила асосига таянмайдиган бўлди, мухторлик ноҳия ва вилоят асосларида ташкил қилинди. Вилоят бошқиси рус минг бошқиси унвони бериладиган «бош султон» (ога султон) сайланиб қўйиларди (Бу қарор матни Крафт, Материальт да, Левшиннинг, Описание... сида нашр этилди. Русиянинг Ўрта Жузда олиб борган сиёсати хақида. Қаранг: Шойнбаев, К вопросу, 41 - 60-бетлар. Бу муаллиф фикрича, Ўрта Жузнинг Русия билан яқинлашувига қалмоқлар ҳужуми сабаб бўлган.). «Вақил султон» номини олган бу султонлар русларнинг ерли аҳолидан ёллаган маъмурлари эди. Руслар султонларга маош тўлар ва шу йўсинда янги идора бошқаруви яратилди (Собиқ Ўрта Жуз идора ишларида қуйидагича маош белгиланган: Султон 1200 сўм, унинг икки рус маслаҳатчиси 1000 сўмдан, икки нафар козок маслаҳатчиси 200 сўмдан, бир қитоб 900 сўм, икки таржимон 800 сўмдан, яна бошқа уч нафар таржимон 300 сўмдан, икки нафар дорихоначи 1000 сўмдан, 20 нафар санжак султонлар 150 сўмдан, султонларнинг махсус таржимонларига эса 500 сўмдан. Қаранг: Левшин,

Описание., 302-6.).-

Султонлар Русиянинг асилзодалар синфи каторига кўшилмади. Бирок рус ҳукумати эски маҳаллий асилзодаларнинг кўллаб-қувватлашига мухтож эди. Султонликнинг ворислик ҳукуки ҳам бекор қилинди. Бунинг ўрнини қоплаш учун бош султонга 5-7 км, ноҳия султонига 45 десятина ерга эғалик қилиш ҳукуки берилди. Лекин бу қонун 1868 йилдан қучини йўқотди. XIX аср охирида бир замонлардаги қабил шаҳзодалари бутун имтиёзларини йўқотдилар. Бугунги Қозоғистоннинг шимолий ва шарқий қисмлари Русиянинг колонияси ҳолига келтирилди. Русия 90 йил давомида (1732 - 1822) Кичик Жуздан бошлаб Ўрта Жузга қадар Орол қўлининг шимоли ва Балхаш қўлининг жанубидаги Или дарёсининг ҳавзасида Чингизхон ёки турк ҳоконлари салафи эканлиги билан ифтихор этган хон ва султонларни бир четга суриб қўйишга муваффақ бўлди. Асилзодалар ўз ҳуқуқларидан воз кечиб, таваққал қилиб бош эгишди(Н. Бекмаханова. Царское правительство., ИАН (Қаз), SO, 1968, №2, 40-6.).

Рус ҳукуматининг «Осиё мамлакатлари қўмитаси» 1824 йил 31 январда Оренбург вилоятининг идора услубини янгилашга қарор қилди. Бу қарор билан Оренбург вилояти бир вилоят ва бир чегара ўлкаси бўлганлиги учун икки мустақил идорага ажратилди. Чегара бошқармаси руслар тарафидан бир нозир, нозир ёрдамчиси, 2 ассистент, қозоқлар тарафидан 4 вакил ва Бухоро билан Хивадан бирорта мухтор элчи иштирокида ташкил этилди. Чегара бошқармасининг чегара қизиклари ва даштга оид бўлимлари икки қуйи бўлинмага эга эди. Чегара қизиги бўлинмаси ихтиёрида рус қурилиш офицерлари уюшмасининг вилоят чегара муҳофазаси мавжуд эди(Материалм, 205-6.). Бу бошқарманинг вазифаси қалъалар қуриш, полиция ишлари ва ўз вазифаларини бажаришни назорат қилишдан иборат эди.

31 январь 1824 йил қарори билан Кичик Жуз бекор қилинди. Хон сайланиши таъқиқланди. Кичик Жуз идорасини дашт қуйи бўлинмаси ўз қўлига олди. Кичик Жуз Ғарбий, Ўрта ва Ич Ўрда деб номланган тўрт қисмга ажратилди(Зиманов, «Политический строй»нинг 201 саҳифасига қўра султонлик вакиллари қуйидагилар эди: ғарбий бўлинмада Қоратой Нурали (1824 - 1826); Шинғали Усмон (1826 - 1830); Боймуҳаммад Ойқувок (1830 - 1847); Муҳаммад Қоли Тиянқин (1847 - 1867) (Ойқувокхоннинг жияни); Ўрта бўлинмада Темир Эрали (1824 - 1825); Медет қали Турдиали (1825 - 1828); Мат Муҳаммед Қали (1828 - 1829); (Жонтўраҳоннинг ўғли) (1841 - 1855). Муҳаммаджон Бой-Муҳаммад (1855 - 1869). Шарқий бўлинмадан: Жума Қудайменди (1824 - 1830); Жонтўра Жаҳонқир (1830 - 1835) (Хива хонининг жияни); Қайип Шутай Дахти Гирей (1831 - 1841); Аҳмет Жантўра (1841 - 1851); Муҳаммад Жонтўра (1851 - 1869); Бўқай. Ич ўрдада Одил Бўқайхон 1848 - 1859 йилларда Ичўрда идораси қенгашининг бошлиғи бўлди. Мансаб ундан тўғридан-тўғри руслар қўлига ўтди. Ич ўрда икки бошқарув бўлинмасига ажратилди. Бу бўлинмаларнинг муайян уруғларга мансуб 14 султони бўлиб, 1862 йилда буларга 178 бек тобе эди. Янада тўлиқроқ маълумот учун қаранг: Зиманов..., 210 - 215-бетлар.). Ҳар бир идора қилинадиган қисм учун бир «султонлик вакили» тайин этилди(Бу буйруқнинг тўлиқ матни, Материалм..., нинг 216 - 226-бетларида бор.). Рус ҳукуматининг бу ҳилдаги қарорларига қозоқлар қаршилиқ қилганлигини, қават бу норозиликлар эътиборсиз қолдирилганлигини рус манбаларида қайд этиб ўтилган.

Оренбург вилояти бошқарув ишларида қўп ўзгариш-лардан кейин 14 июнь 1844 йилда Русия ҳукумати Оренбург қирғизларини (қозоқларини) бошқариш ҳақида 100 моддалик бир низом эълон қилди. Бу низомда рус тилида илк бора «Оренбург қирғизлари»

ибораси ишлатилди. Низомнинг биринчи моддасида шундай дейилади: «Оренбург киргизлари (собик Кичик Жуз козоклари - муаллиф) ташки ишлар нозирлигининг марказий идора макомига тобе Осиё шўъбаси воситасида ва Оренбург харбий волийси томонидан тўғридан-тўғри бошқарилган Кичик ўрданинг идора маҳкамалари бир умумий ёки бир неча хусусий қисмлардан майдонга келади».

Бош идора жойи Оренбургда бўлиб, чекка идоралар бир вақтлардаги Кичик Жуз козокларига берилганди. (2,3-моддалар). Бу тадбирлар билан рус ҳукумати Урал дарёсининг чап соҳилидан Сирдарёнинг қуйи оқимига қадар идора ишларини ўз қўлига олганди. Козок ерлари рус императорлигининг хусусий ўлкаси сифатида эълон этилди [4-модда]. 1868 йилги идора реформаси бўйича козокларни бошқариш ташки ва харбий нозирликлардан олиниб, ички ишлар нозирлигига топширилди. Кичик Жузнинг сўнги хони Шергози Оренбургга келтирилиб, назорат остига олинди.

Хар эҳтимолга қарши Русия Туркистоннинг дашт ўлкалари билан чет давлат билан муомала қилгандай эҳтиёткор бўларди. Лекин 1844 йилдан сўнг мамлакатни рус императорлигининг бир бўлагига айлантириш учун яна 24 йил ҳаракат қилди. 1868 йил 21 октябрда Оренбург ва Сибирь ўлкаларидаги козокларнинг идора мақомларини қайтадан тузиш ҳақида фармон нашр этилди. Айни замонда, 268 моддадан иборат идора низоми ҳам қучга кирди. Забт этилган бутун ўлкалардан Окмўла (Ақмолинск) ва Семипалатинск [Еттином] лар Гарбий Сибирь бош волийлигига, Урал ва Тўрғай вилоятлари Оренбург бош волийлигига тобе бўлди. Бу билан русларнинг қўшиб олиш ишлари ниятига етди (Бу буйруқнинг тўлиқ матни «Материальпжинг 321 - 340-бетларида қайд қилинган»). Янги идора тузукларида козок тупроқлари Русиянинг мулки бўлганлиги эълон қилинди. Ният, бир рус тарихчиси шуни маълум қиладики: «135 йил (1734 - 1869) давом этган киргиз-козокларга (козокларга) бўйинтурук олиш тарихи бошидан охиригача жуда фойдали бўлди (Макшеев, 139-6.). Бир туркистонлик тарихчи эса русларнинг сўнги шиддатли ҳаракатларидан 29 йил ўтиб шундай ёзади: «Козокларни ўз ихтиёри билан Русияга қўшилди дейиш бир афсонадир» (Асфандияров, История... 116 б. Бу ҳақда БСЭ (1937 й.) 591-бетида шундай хулоса қилинади: «Козок халқининг рус ҳукмронлигини ихтиёрий қабул қилишига доир миллатчиларнинг афсоналари гирт ёлгондир».).

Др.Боймирза Хайитнинг
"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан